

“Суғурта иши” кафедраси СИ-1 гуруҳ магистранти

Алимов Шерзод

Мавзу: Бизнесини суғурталаш самарадорлигини ошириш йўллари.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта хизмати бозорини ривожланган давлатлар қаторига кўтариш мақсадида суғурта фаолияти қонунчилик тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу ишлар изчиллик билан давом эттириб келинмоқда.

Мамлакатимизни бозор иқтисодиётининг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилгани ҳеч кимга сир эмасдир. Шундай экан бизнесини ривожланиши учун суғурта фаолияти ўзининг суғурта маҳсулотлари орқали ҳимоя қилмоғи ва уларнинг дадил ривожланиши учун янги имкониятлар яратиб берилмоғи лозим.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Суғурта ва суғурта муносабатлари бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий унсурларидан бири бўлиб, бозор шароитида таваккалчиликка асосланган тадбиркорликни ишончли юритилишида ва уни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз ва МДҲ мамлакатларида бизнесини суғурта қилишга қаратилган бир қатор илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу олиб борилган изланиш натижалари амалиётга кенг жалб қилиниб келинмоқда.

Тадқиқотнинг объекти. Бизнесини суғурталаш самарадорлигини ошириш йўллари ҳар томонлама илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, мазкур соҳани қўллаб қувватлаш ва суғурталаш йўллари тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг назарий асослари. Суғурта фаолияти соҳасидаги мамлакатимиз ва МДҲ давлатларидаги суғурташунос олимларнинг назарий асослари, мазкур мавзуга оид нашр қилинган мақола ва рисолалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг методологик асосини. Фанда ишлаб чиқилган билимнинг умумилмий усуллари, жумладан, тарихий, мантиқий, статистик ва амалиёт материалларини умумлаштириш усуллари ташкил қилади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар.

Тадқиқот ишида илк маротаба мамлакатимиз миллий суғурта бозорида бизнесини суғурталашнинг самарадорлигини ошириш йўллари назарий-амалий муаммолари янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш босқичида молиявий жиҳатдан таҳлил этилмоқда.